

ШАРТНОМА

2018 йил 01 . 01

Давлат ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси
Давлат бошқармаси, кейинги ўринларда “Инкассация хизмати” деб аталувчи,

Ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи Каримов И бир тарафдан ва
(бошқарма номи) (фамилияси, исми, шарифи)

АТББ Икономия Банк Ташк кейинги ўринларда “Банк” деб аталувчи
(банк номи) (устав, низом ва х.к.)

асосида иш юритувчи Давлат иккинчи тарафдан ҳамда
(лавозими, фамилияси, исми шарифи)

Аваклар 5-сон қашшқ шифоҳона кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб
аталувчи (хўжалик субъекти номи)

Мазо асосида иш юритувчи Давлат шифоҳона Кенжесоева Г.Р
(устав, низом ва х.к.) (лавозими, фамилияси, исми шарифи)

учинчи тарафдан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. “Инкассация хизмати” ўз кучи ҳамда воситалари билан, “Буюртмачи” билан келишган кунларда ва соатларда пул тушумини йиғади. “Буюртмачи”лар рўйхатлари, пул тушумлари йиғиладиган кунлар ва соатлар кўрсатилган қатнов жадваллари “Банк” билан “Инкассация хизмати” ўртасида келишиб тузилади. “Банк” инкассаторлардан нақд пулни қабул қилиб олади ва ўз вақтида “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига ўтказди. “Буюртмачи” эса, “Инкассация хизмати” томонидан кўрсатилган хизматлар учун ушбу шартномада кўзда тутилган миқдорларда ва муддатларда ҳақ тўлайди.

1.2. “Инкассация хизмати” томонидан “Буюртмачи”нинг пул тушумини йиғиш ишлари ҳафтанинг яшанба ва байрам кунларидан ташқари амалга оширилади. Пул тушумини яшанба ва байрам кунлари йиғиш ишлари “Буюртмачи”нинг алоҳида буюртмасига асосан амалга оширилиши мумкин.

2. Тарафларнинг мажбуриятлари.

2.1. “Инкассация хизмати”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”нинг нақд пул тушумларини мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган кунлари инкассация қилинишини таъминлайди;
- ўз кучи ва техник воситаси билан “Буюртмачи”нинг кунлик нақд пул тушумини йиғади ҳамда “Банк”ка бутлигини ва дахлсизлигини таъминлаган ҳолда олиб бориб топширади;
- “Буюртмачи” томонидан 71 244-04-88 телефон рақами орқали берилган буюртмаларни алоҳида юритилган китобда қайд этади ва “Буюртмачи”нинг пул тушумини буюртмада кўрсатилган кунлари ўз вақтида инкассация қилинишини таъминлайди;
- “Буюртмачи”нинг масъул вакилига нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларини топшириш тартибини ўргатади;
- “Инкассация хизмати”нинг инкассаторлари томонидан нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларида ташқи шикастланишлар (ямоқлар, чоклари сўкилган, йиртилган, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари) мавжуд бўлганда, пломбага пломбираторнинг изи аниқ туширилмаганда, шикастланганда, тасдиқланган намунага мос келмаганда ва илова ҳужжатларида камчиликлар мавжуд бўлганда қабул қилинмайди. Инкассатор сумка (қоп)лари ва илова ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилгандан кейингина улар қабул қилинади.

2.2. “Банк”нинг мажбуриятлари:

- “Инкассация хизмати” инкассаторлари йўналишлардан йиғиб келган нақд пул тушумлари солинган ва бўш инкассатор сумка (қоп)ларини олиб келинган заҳоти қабул қилиб олинишини таъминлайди;
- пул тушумидан бўшаган инкассатор сумка (қоп)ларини банк бўлимида алоҳида хонада ёки металл шкафларда сақланишини ҳамда “Инкассация хизмати”нинг инкассаторларига йўналишга чиқишдан бир соат олдин топширилишини таъминлайди;
- “Инкассация хизмати”нинг инкассаторларидан қабул қилиб олинган нақд пулларни санаб, саралаб, ўз вақтида “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради;
- банк ходимлари нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларида ташқи шикастланишлар (ямоқлар, чоклари сўкилган, йиртилган, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари мавжуд бўлганда, пломбага пломбираторнинг изи аниқ туширилмаганда, шикастланганда, тасдиқланган намунага мос келмаганда ва илова ҳужжатларида камчиликлар) аниқланганда, пул тушумини инкассаторлар иштирокида қайта санаш ва белгиланган тартибда расмийлаштириш йўли билан қабул қилади;
- ҳар ойнинг 5-санасигача “Буюртмачи”нинг ўтган ойдаги инкассация хизмати орқали топширган нақд пул тушуми тўғрисида маълумотларни тасдиқланган ҳамда электрон шаклларда “Инкассация хизмати”га тақдим этади.

2.3. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- кунлик нақд пул тушумини 25 ой санаси ёки ҳафта кунлари кўрсатилади)
(даврийлиги)

“Инкассация хизмати” инкассаторларига топширилишини таъминлайди (бунда “Буюртмачи” бир кун олдин буюртма берган холда бошқа кунлари ҳам “Инкассация хизмати” орқали кунлик пул тушумларини топшириш ҳуқуқини сақлаб қолади);

- нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларини ўз вақтида ва белгиланган тартибда инкассаторларга топширилишига масъулдир;

- “Буюртмачи” томонидан қўшимча равишда пул тушумини топшириш зарурати туғилганда “Инкассация хизмати”нинг 71 244-04-88 навбатчи телефон рақами орқали корхона номини ва манзилини, буюртма берувчининг исми, шарифи ва телефон рақамини билдирган холда буюртма беради;

- инкассаторлар пул тушумини олишга бориши учун йўллар ва кириш йўлаклари бўш бўлишини таъминлайди, шунингдек, пул тушумини қабул қилиниши учун шароитларни яратиб беради ва нақд пул солинган инкассатор сумка (қоп)ларини инкассаторлар келишидан 15 дақиқа аввал тайёрлаб қўяди;

- “Инкассация хизмати” инкассаторлари пул тушумини инкассация қилиш учун шохобчага келганларида пул тайёр бўлмастик ёки пул солинган инкассатор сумкаси (қопи)да шикастланишлар, илова ҳужжатларида камчиликлар аниқланганда пул тушуми солинган сумка (қоп) қабул қилинмайди. Камчиликлар жойида бартараф қилинган тақдирда пул тушуми солинган сумка (қоп) инкассация қилинади. Агар камчиликларни бартараф қилишга кўпроқ вақт талаб қилинса, инкассаторларнинг қайта қатновида инкассация қилиниши мумкин. Бунда қайта қатнов учун шартноманинг 3.1. бандини 5 устунига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади;

- “Инкассация хизмати” ташрифини вақтинчалик тўхтатиш ёки тиклаш лозим бўлганда “Инкассация хизмати”ни ва “Банк”ни олдиндан ёзма равишда огоҳ этади;

- инкассатордан фотосурати бўлган хизмат гувоҳномасини ва пул тушумини қабул қилиш ваколатини берувчи Ишончномасини кўрсатишини, нақд пул тушуми солинган инкассатор сумкаси (қоп)нинг қвитанциясига халта рақамини ва сана қайд этишини, имзо чекиб, йўналиш рақами кўрсатилган мухрни босиб беришини талаб қилади.

3. Инкассация хизмати учун ҳақ тўлаш.

3.1. Пул тушумини йиғиш хизматлари учун “Буюртмачи” “Инкассация хизмати”га ўтган ойда инкассация қилинган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб, қуйида кўрсатилган тарифлардан бирини танлаш йўли билан ҳақ тўлайди:

№	Ой давомида инкассация қилинадиган нақд пул тушуми миқдори	Фоиз тарифи * (бир ойлик инкассация қилинган пулга нисбатан)	Қатъий нарх тарифи ** (бир ойлик абонент тўлови)	Қатновлар тарифи*** (бир қатнов нархи)	Бир ойлик чекланган қатновлар сони ****
1	2	3	4	5	6
1	1 сўмдан - 1 млн. сўмгача	7,5 %	60 000	20 000	3
2	1 млн. сўмдан - 3 млн. сўмгача	6 %	80 000	22 000	4
3	3 млн. сўмдан - 5 млн. сўмгача	2,66 %	100 000	25 000	4
4	5 млн. сўмдан - 10 млн. сўмгача	2 %	175 000	27 000	10
5	10 млн. сўмдан - 20 млн. сўмгача	1,75 %	250 000	29 000	10
6	20 млн. сўмдан - 50 млн. сўмгача	1,25 %	500 000	31 000	20
7	50 млн. сўмдан - 100 млн. сўмгача	1 %	750 000	33 000	Якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни 1 марта (ўртача бир ойда 25 кун)
8	100 млн. сўмдан - 150 млн. сўмгача	0,75 %	1 000 000	44 000	
9	150 млн. сўмдан - 200 млн. сўмгача	0,66 %	1 100 000	48 000	
10	200 млн. сўмдан - 350 млн. сўмгача	0,55 %	1 200 000	53 000	
11	350 млн. сўмдан - 500 млн. сўмгача	0,34 %	1 400 000	62 000	
12	500 млн. сўмдан - 750 млн. сўмгача	0,28 %	1 600 000	72 000	
13	750 млн. сўмдан - 1 млрд. сўмгача	0,21 %	1 800 000	79 000	
14	1 млрд. сўмдан - 2 млрд. сўмгача	0,18 %	2 000 000	90 000	
15	2 млрд. сўмдан - 4 млрд. сўмгача	0,10 %	3 000 000	135 000	
16	4 млрд. сўмдан - 6 млрд. сўмгача	0,075 %	4 000 000	175 000	
17	6 млрд. сўмдан - 8 млрд. сўмгача	0,066 %	5 000 000	220 000	
18	8 млрд. сўмдан - 10 млрд. сўмгача	0,064 %	6 500 000	285 000	
19	10 млрд. сўмдан - 15 млрд. сўмгача	0,063 %	8 000 000	350 000	
20	15 млрд. сўмдан - 20 млрд. сўмгача	0,055 %	10 000 000	440 000	
21	20 млрд. сўмдан - 35 млрд. сўмгача	0,050 %	12 000 000	530 000	
22	35 млрд. сўмдан - 50 млрд. сўмгача	0,035 %	14 000 000	615 000	
23	50 млрд. сўмдан - 75 млрд. сўмгача	0,028 %	17 000 000	750 000	
24	75 млрд. сўмдан - 100 млрд. сўмгача	0,023 %	20 000 000	880 000	
25	100 млрд. сўмдан юқори	0,02 %	30 000 000	1 320 000	

Изоҳ: * **Фоиз тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли фоизга кўпайтириши йўли билан аниқланади. Бунда ой давомида миқдорга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг 6-устунида белгиланган.

**** Катъий нарх тарифи тўлови** (абонент тўлови) - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб хизмат ҳақи тегишли қатъий белгиланган нархга асосан аниқланади. Бунда ой давомида мижозга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг 6-устунида белгиланган.

Мижоз буюртмасига асосан чекланган қатновлар сонидан ташқари ҳар бир қўшимча қатнов учун ҳақ ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб жадвалнинг 5-устунига мувофиқ аниқланади.

***** Катнов тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархини ой давомида мижозга бориладиган чекланган қатновлар сонига мос равишда (жадвалнинг 6-устунида) кўпайтириши йўли билан аниқланади.

Барча тарифларда дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунига мувофиқ 2 баробар миқдорда ҳисобланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи мижозга дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари борилган қатновлар сонига кўпайтириши йўли билан аниқланади.

Шунингдек, бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи мижозга борилган қўшимча қатновлар сонига кўпайтириши йўли билан аниқланади.

****** Бир ойлик чекланган қатновлар сони** - мижоз томонидан ой давомида инкассация орқали топшириладиган нақд пул миқдоридан келиб чиқиб бир ойлик чекланган қатновлар сони белгиланади.

3.2. Кўрсатилган инкассация хизмати учун “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҚҚС билан тўловининг 16 00 000 Қатъий нарх тарифида амалга оширилади.
(Танлаб олинган Тариф тури кўрсатилади)

3.3. Агар “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 3.2. бандидаги танлаб олган тарифидан бошқа тарифга ўтмоқчи бўлса, у бу ҳақда “Инкассация хизмати”га кейинги ой бошланишидан 15 кун олдин ёзма равишда мурожаат қилади.

3.4. Бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади.

3.5. Дам олиш ва байрам кунлари кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунида кўрсатилган тарифнинг 2 баробари миқдорда ҳисоб-китоб қилинади ва тўланади.

3.6. “Буюртмачи” кейинги ой учун 15 фоиз миқдорда бўнак (аванс) пули тўлаб беради. Бўнак (аванс) пули ўтган ойда кўрсатилган инкассация хизмати ҳақининг 15 фоизи миқдорда ҳисобланиб, бўнак (аванс) пули кўрсатилган хизматлар учун тақдим этиладиган ҳисоб-фактурада акс эттирилади.

3.7. “Буюртмачи” “Инкассация хизмати” томонидан тақдим этилган тўлов талабномасини ва ҳисоб-фактурани олган кундан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига асосан Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган вақтда хизмат ҳақи қайта кўриб чиқилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. “Инкассация хизмати”:

4.1.1. Нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)лари бут сақланиши учун “Буюртмачи” олдидаги жавобгарлиги инкассаторлар пуллик инкассатор сумка (қоп)ларини қабул қилиб олган вақтдан бошланиб, “Банк” вакилига топширган пайтда тугайди.

4.1.2. Инкассатор сумкаси (қоп) ва унга қўйилган пломба бут бўлган тақдирда “Инкассация хизмати” инкассатор сумкаси (қопи) ичидаги пулнинг бутлиги учун “Буюртмачи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

4.1.3. “Инкассация хизмати” “Буюртмачи”нинг буюртмасини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун “Буюртмачи” томонидан “Инкассация хизмати”га ўтган ойда тўлаб берилган хизмат ҳақи суммасининг 0,4 фоизи ҳисобидан, аммо бир ойлик тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.2. “Буюртмачи”:

4.2.1. Кўрсатилган хизматларга ўз вақтида ҳақ тўланмагани учун “Буюртмачи”, “Инкассация хизмати” фойдасига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,4 фоизи ҳисобидан, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.3. “Банк”:

4.3.1. “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига инкассация хизмати орқали топширилган пул тушумини ўз вақтида тўлиқ ва тўғри ўтказилишига масъулдир.

4.3.2. Инкассатор сумка (қоп)лари банк айби билан яроқсиз ҳолга келса ёки йўқотилган тақдирда банк “Буюртмачи”га инкассатор сумка (қоп)лари қийматини қоплаб беради.

5. Форс - мажор ҳолатлари.

5.1. Ҳеч бир тараф бошқа тарафлар олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч (ер кимираши, сув тошқини, ёнгин ва х.к.), ҳукуматнинг тақиқловчи қарорлари ҳамда ҳукумат томонидан тадбирлар ўтказилган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар эмас.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби.

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Низоларни тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмаган тақдирда, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро Иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

7. Бошқа шартлар.

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилган нақд пул тушумини йиғиш ва банк кассасига топшириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли йўриқномаларида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

7.2. Ушбу шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.3. Агар Тарафлардан бири шартномани бекор қилиш истагини билдирса, у бу ҳақда 3 кун олдин ёзма равишда бошқа тарафларга маълум қилиши лозим.

7.4. Ушбу шартномага киритилиши мумкин бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ёзма мурожаатига асосан қўшимча келишув тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

7.5. Шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

8. Тарафларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

“Инкассация хизмати”

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкнинг Республика Инкассация
хизмати ДУК

Манзил: Тошкент ш. Шайхонтохур
тумани, Навоий кўчаси, 19 уй.

Х/Р: 2159 6000 1004 4799 4001

Банк номи: Марказий банк Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

Банк коди: 00014

СТИР 201052396

IFUT 82910

Тел: 71 244-05-67, 244-01-43,

244-04-88.

“Банк”

Тел: **PROTEKA BANK» ATIF**
 Х/Р: **TOSHKENT SHAHAR FILIALI**
AMALIYOT - BOSHQARMASI
 Банк номи
 Банк коди
 СТИР
BANK RAQAMI 00419 INN 201961469 XXTUT 96120
TOSHKENT SHAHAR 10000 MUSTAQILLIK KO'CHASI, 15-UY
TELEFON RAQAMI 233-15-29

“Буюртмачи”


Сервис-5

Тел: **MARKAZIY BANK TOSHKENT SHAHAR ХККМ**
 Х/Р: **100 00014 (INN) 201122919**
IG 23402000300100001010
 Банк номи
ШАХАР 5-СОН КЛИНИК ШИФОХОНАСИ
 Банк коди
УФ. БИИ-417 ТЕЛ:2642220 ФАКС: 264 20 50
 СТИР
Ш.Т.Ч. 4014218602626970/3101054001
 ҚҚС туловчи коди
200541248

Каримов Ж
(лавозими, Ф.И.Ш.)



(лавозими, Ф.И.Ш.)



Кеседиевас Г.Р.
(лавозими, Ф.И.Ш.)



М.Ў

20

20 й. “ ”

Юсупов